

**BUXORO TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

*200400, Buxoro viloyati, Buxoro tumani,
Buyuk ipak yo'li ko'chasi*



**BUXORO INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT**

*200400, Bukhara region, Buxara district,
Buyuk ipak yuli str*

Tel: (+99865) 220-7537, Fax: (+99865) 220-7538

e-mail: i.buxoro.sh@sud.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 5 декабрь Бухоро тумани 4-2001-2204/3024-сонли иш

Бухоро туманлараро иқтисодий суди судьяси А.Сафаров даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг “Бухоро сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти манфаатларида жавобгар “Jalilobod-95” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан асосий қарз ва пеня ундириш тўғрисидаги соддалаштирилган тартибдаги иқтисодий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси “Бухоро сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти манфаатларида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Jalilobod-95” масъулияти чекланган жамиятидан 1.878.625 сўм асосий қарз, 443.385 сўм ҳисобланган пеня ва олдиндан тўланган почта харажати ундириб беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади) 203²-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса — беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши лозим.

Суд томонидан юқоридаги қонун нормасига асосан 2022 йил 16 ноябрдаги ажримга асосан даъвогарнинг даъво аризаси соддалаштирилган тартибда иш юритишга қабул қилиниб, ажримда жавобгарга ИПК 203⁴-моддасининг иккинчи қисмига асосан ўн беш қунлик муддатда эътирозларини ёзма равишда судга тақдим этиши билдирилган бўлсада, эътирозлар келиб тушмади. Шу сабабли суд ишни ИПК 203⁴-моддасининг тўртинчи қисмига асосан кўриб чиқишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 468-моддасига кўра, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса



қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 474-моддасига биноан агар қонун ҳужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади, бу миқдор ушбу Кодекснинг 470-моддасига мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 478-моддасининг иккинчи бандига кўра агар қонунчиликда, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграф қоидалари қўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5883-сон Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи сув таъминоти давлат унитар корхоналари негизида, ушбу корхоналарни масъулияти чекланган жамиятлар сифатида қайта тузиш орқали “Ўзсувтаъминот” АЖ ташкил этилган.

Бухоро вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 27 февралдаги 16-сонли буйруғига асосан қайта ташкил этиш йўли билан “Бухоро сув таъминоти” масъулияти чекланган жамиятига айлантирилган.

Шартноманинг 1.1-бандига кўра, Сувоқава (даъвогар) ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, истеъмолчи ўз ўрнида амалда қўлланилаётган тарифлар асосида ва ушбу шартномада қайд этилган шартлари бўйича “Сувоқава”га тўловларни ўз вақтида тўлаб бериш мажбуриятларини олади.

Шартноманинг 3.5-бандига кўра, Сувоқава Истеъмолчига етказилган ичимлик суви ва бошқа кўрсатилган хизматлари учун уни тақдим этган ҳисоботини қабул қилиш жараёнида истеъмолчининг олдиндан тўланган тўлови билан ҳисобот даври истеъмоли ўртасида тўлов тафовутини бартараф этиш бўйича тўлов варақасини 3 кун муддат ичида бу қарз тўловини амалга ошириш учун топширади. Шу билан бирга Истеъмолчи тўлов жараёнида келгуси ой даври учун ҳам ҳисобот оyi тўлов миқдорида 100% олдиндан тўлов сифатида – аванс тўловини ҳам амалга ошириши шарт. Қарздорлик мавжуд бўлган ҳолларда ҳар чорак, зарурият бўлганда, қар ой қарздорлик бўйича солиштирма далотнома тузилади. Истеъмолчи ўз



вақтида сув сарфи учун берилган тўлов варақаси ёки солиштирма далолатнома асосида тўловни пул ўтказиш ёки нақд пул орқали тўлайди. Кўрсатилган муҳлатда пул ўтказилмаган тақдирда, ҳар бир тўланмаган кун учун умумий қарзнинг 0,4% миқдорида жарима ундирилади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, “Бухоро сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти ва “Jalilobod-95” масъулияти чекланган жамияти ўртасида “ичимлик суви етказиб бериш, оқова сувларни чиқариш хизматларини кўрсатиш” шартномаси тузилган.

Даъвогар томонидан жавобгарга ичимлик суви етказиб берилганлиги ҳамда оқова сувлар қабул қилинганлиги иш материалларидаги шартнома, ҳисобварақ-фактура, солиштирма далолатнома ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Суд даъвогарнинг жавобгардан 1.878.625 сўм асосий қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво талабини муҳокама қилиб, жавобгар суд мажлисига қадар тўловни амалга оширганлигини, айти пайтда 902.625 сўм қарздорлиги мавжудлигини инобатга олган ҳолда мазкур даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Шунингдек, даъво аризасида даъвогар шартноманинг 3.5-банди ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ жавобгардан 443.385 сўм миқдорида пеня ундиришни сўраган.

Пеня тўғри ҳисобланган.

ФК 326-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-банди биринчи ва иккинчи қисмларида, ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги, шу билан бирга неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлигини эътиборга олишлари тўғрисида судларга тушунтириш берилган.



Суд, кайд этилганлардан келиб чиқиб, мажбуриятнинг бузилиши билан неустойка миқдори номутаносиблигини, тарафларнинг манфаатларини, даъвогар қарздорликни ўз вақтида ундириш чораларини кўрмаганлигини, ўз навбатида мажбуриятни бажариш ҳам жавобгар томонидан кечиктирилганлигини инобатга олиб, даъвонинг пеня ундириш талабини 55.000 сўмга қаноатлантиришни лозим топди.

Суд ундирилиши лозим бўлган давлат божи ва почта харажатларини муҳокама қилиб, низо жавобгарнинг айби билан келиб чиққанлигини, жавобгардан тегишли давлат божи ва почта харажатларини ундиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 180, 186, 203², 203⁴-203⁵-моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236, 326, 468, 474, 478-моддаларига асосан, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

“Jalilobod-95” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан “Бухоро сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 902.625 сўм асосий қарздорлик, 55.000 сўм пеня ва олдиндан тўланган 24.000 почта харажати ундирилсин.

“Jalilobod-95” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Республика бюджетига 300.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисми қаноатлантиришдан рад этилсин.

Ҳал қилув қарори ўн кундан сўнг қонуний кучга киради ҳамда ижро варақалари берилади.

Ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Бухоро вилоят судига ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан ўн кун муддат ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

А.Сафаров

